БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 212 (443)
25 ОКТЯБРЬ
СЕШАНБА
1955 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Яшасин коммунизм қуриш учун курашда совет халқининг улуғ илҳомлантиручи ва раҳбар кучи — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

# Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 38 йиллиги муносабати блан КПСС Марказий Комитетининг
# ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 38 йиллиги!

2. Барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари! Агар халқлар тинчликни сақлаш ишини ўз қўлларига олсалар ва бу ишни қаттиқ туриб охиригача ҳимоя қилсалар, у вақтда тинчлик сақланади ва мустаҳкамланади! Халқларнинг тинчлик учун курашдаги бирлигини мустаҳкамлангиз!

3. Тинчлик учун, демократия учун, социализм учун курашаётган ҳамма халқларга қардошлик саломи!

4. Барча мамлакатлардаги тинчлик учун курашчилар! Янги уруш оловини ёқувчиларга қарши тинчлик ҳимоячиларининг қудратли фронтини жипслаштирингиз, тобора кенг халқ оммасини бу фронтга жалб этингиз, тинчлик душманларининг кирдикорларига қарши ҳуш'ёр бўлингиз! Тинчлик ва халқлар ўртасидаги тинч ҳамкорлик учун кураш байроғини баланд кўтарингиз!

5. Барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари! Қурол-яроғларни камайтириш учун курашингиз! Атом, водород қуролларини ва ялпи қирғин қуролининг бошқа турларини тақиқлашни талаб этингиз! Атом энергияси тинчлик ва инсоният тараққиёти ишига хизмат қилсин!

6. Европадаги барча халқларга мустаҳкам тинчлик ва коллектив хавфсизлик бўлиши учун!

7. Совет Иттифоқи ва халқ демократияси мамлакатларининг меҳнаткашлари! Тинчликнинг қақшамас таянчи бўлган социализм ва демократия лагерининг қудратини тинмай мустаҳкамлангиз, мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантирингиз ва мустаҳкамлангиз!

8. Халқ хўжалигини ва маданиятни янада юксалтириш учун, халқ оммасининг фаровонлигини тобора ошириш учун, тинчлик ва социализм қуриш учун фидокорона курашаётган халқ-демократик давлатлар: Польша, Чехословакия, Венгрия, Болгария, Руминия, Албания, Мўғулистон Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи!

9. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг биринчи бешйиллик планини бажариш учун, мамлакатни индустрлаштириш учун ва қишлоқ хўжалигини кооперативлаштириш, социализм асосларини қуриш учун муваффақиятли суратда курашаётган улуғ хитой халқига қардошлик саломи! Яшасин ва яшнасин қудратли жаҳон давлати — Хитой Халқ Республикаси!

Бутун дун'ёда тинчликнинг қудратли фактори бўлган совет ва хитой халқларининг бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги яшасин ва яшнасин!

10. Халқ хўжалигини тиклаш ва янада ривожлантириш учун, тинчлик учун, Кореяни демократик асосларда миллий жиҳатдан бирлаштириш учун курашаётган Корея Халқ-Демократик Республикасининг қаҳрамон халқига қардошлик саломи!

11. Халқ хўжалигини тиклаш учун, тинчлик учун, Вьетнамни демократик асосларда миллий жиҳатдан бирлаштириш учун курашаётган Вьетнам Демократик Республикасининг қаҳрамон халқига қардошлик саломи!

12. Милитаризмнинг қайта тикланишига қарши, ўз Ватанини тинч, демократик асосларда бирлаштириш учун курашаётган бутун Германиядаги тинчликсевар кучларнинг таянчи бўлган Германия Демократик Республикаси яшасин!

Герман ва совет халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамлансин ва ривожлансин!

13. Югославия Федератив Халқ Республикасининг халқларига салом! Совет Иттифоқи ва Югославия халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамлансин ва яшнасин!

14. Совет Иттифоқи блан Финляндия Республикаси ўртасида халқларнинг ҳуқуқий тенглиги, ўзаро ишончи ва бир-бирларини ҳурмат қилишига асосланган дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамлансин ва яшнасин!

15. Совет халқи мустақил ва демократик Австрияни тиклаш тўғрисидаги Шартномани табриклайди! Европада мустаҳкам тинчлик манфаатлари йўлида Австрия ва Совет Иттифоқи халқларининг дўстона муносабатлари мустаҳкамлансин ва ривожлансин!

16. Улуғ ҳинд халқига салом! Бутун дун'ёда тинчлик саодати йўлида Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамлансин ва ривожлансин!

17. Империалистик зулмга қарши, ўз озодлиги ва миллий мустақиллиги учун курашаётган мустамлака ва қарам мамлакатларнинг халқларига салом!

18. Яшасин Англия, Америка Қўшма Штатлари ва Совет Иттифоқи халқларининг халқаро кескинликни юмшатиш учун, давлатларнинг тотув яшаши учун ва бутун дун'ёда мустаҳкам тинчликни та'минлаш учун курашдаги дўстлиги ва ҳамкорлиги!

19. Совет Иттифоқи халқлари блан Франция ва Италия халқларининг тинчлик учун, герман милитаризмининг қайтадан тикланишига қарши, Европада коллектив хавфсизликни вужудга келтириш учун курашдаги дўстлиги ва ҳамкорлиги мустаҳкамлансин!

20. Германия Федерал Республикасининг реакция кучларига қарши, тинчлик учун ва Европа халқларининг хавфсизлиги учун курашаётган меҳнаткашларига салом!

21. Милитаризмнинг қайтадан тикланишига қарши, миллий мустақиллик учун, ўз мамлакатининг демократик тараққиёти учун курашаётган япон халқига салом!

22. Яшасин Совет Иттифоқининг ташқи тинчликсевар сиёсати — тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашнинг бузилмас сиёсати, халқаро ҳамкорлик ва барча мамлакатлар блан иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириш сиёсати!

23. Совет Армияси ва Флотининг жангчилари! Узингизнинг ҳарбий ва сиёсий билимларингизни сабот блан оширингиз, ҳарбий маҳоратингизни такомиллаштирингиз, энг янги ҳарбий техника ва ҳозирги замон қурол-яроғларини эгаллангиз!

Яшасин Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлигини қўриқлаётган, ғалабалар шон-шуҳратига тўлган шавкатли Совет Қуролли Кучлари!

24. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Коммунистик партия ва Совет ҳукумати теварагига янада мустаҳкам жипслашайлик, бутун куч ва ижодий ғайратимизни коммунистик жамият қуришдан иборат буюк ишга сафарбар қилайлик!

25. Ишчилар, колхозчилар, совет интеллигентлари! Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'ездини меҳнат унумдорлигини ошириш учун, давлат планларини тўла ва ошириб бажариш учун, халқ хўжалигини янада зўр бериб ривожлантириш учун курашда янгидан-янги меҳнат муваффақиятлари блан муносиб суратда кутиб олайлик!

26. Яшасин ва мустаҳкамлансин ишчилар синфи раҳбарлиги остида ишчилар синфи блан колхозчи деҳқонларнинг иттифоқи — совет тузумининг барқарор негизи!

27. Яшасин ва яшнасин Совет Иттифоқи халқларининг қардошларча дўстлиги — кўпмиллатли социалистик давлатимиз куч ва қудратининг манбаи!

28. Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари! Партия ва Ҳукуматнинг бутун халқ хўжалигини янада юксалтириш, халқнинг моддий ва маданий фаровонлигини ошириш, Ватанимизнинг қудрати ва хавфсизлигини мустаҳкамлашнинг негизи бўлган оғир саноатни устун даражада ривожлантиришга қаратилган сиёсатини сабот блан амалга оширингиз!

29. Социалистик саноат ходимлари! Техникани тараққий этдириш учун курашингиз, ватан ва четэл фани ҳамда техникасининг ютуқларини, корхоналарнинг илғор иш тажрибасини ишлабчиқаришга жорий қилингиз! Ишлабчиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш даражасини бутун чоралар блан оширингиз! Меҳнат унумдорлигини тобора ошириш учун умумхалқ социалистик мусобақасини кучайтирингиз!

Саноатни янада зўр бериб юксалтиришни та'минлайлик!

30. Социалистик саноат ходимлари! Ишлабчиқариш планини барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажариш учун курашингиз, ҳарбир корхонанинг бир ме'ёрда ишлашини та'минлангиз! Меҳнат интизомини бутун чоралар блан мустаҳкамлангиз! Маҳсулотнинг сифатини яхшилангиз ва таннархини камайтирингиз!

31. Кўмир саноатининг ишчилари, инженерлари ва техниклари! Барча шахталарнинг ишлабчиқариш планларини бажаришга эришингиз, кўмир чиқаришни ташкил этишнинг илғор методларини жорий қилингиз, техникадан фойдаланишни яхшилангиз! Янги шахталар ва разрезларни тезроқ қурингиз, уларнинг проект қувватларини ўзлаштирингиз! Халқ хўжалигига кўпроқ кўмир берайлик!

32. Нефть саноатининг ходимлари! Нефть қудуқларини пармалаш сур'атларини оширингиз, янги нефть ва газ конларини тезроқ очингиз! Ҳарбир кон ва заводда нефть чиқариш ва нефтьни қайта ишлашдаги прогрессив усулларнинг кенг қўлланилишини та'минлангиз! Мамлакатга юқори сифатли нефть, газ ва нефть маҳсулотларини кўпроқ берайлик!

33. Совет энергетиклари! Электростанцияларда янги қувватларни тезроқ ишга туширингиз ва электр шохобчаларини кенгайтирингиз, улардан фойдаланишни яхшилангиз, ёқилғи сарфлашни камайтирингиз! Илғор техникани кенг жорий қилингиз!

34. Совет металлурглари! Металлургия ва кон-руда корхоналарининг қувватларидан фойдаланишни яхшилангиз, ишлабчиқариш техникаси ва технологиясини такомиллаштирингиз! Юқори сифатли пўлат, оловга чидамли қуйилмалар, рангли ва нодир металлар, прокатнинг янги тежамли турлари ва профильларини ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз! Халқ хўжалигига чўян, пўлат, прокат ва рангли металларни кўпроқ берайлик!

35. Машинасозлик корхоналарининг ишчилари, инженерлари ва техниклари! Машиналарнинг янги нусхаларини тезроқ яратингиз ва уларни ишлаб чиқаришни бутун чоралар блан кенгайтирингиз! Ҳозирги замон станокларини, прессларни, автомобильларни, тракторларни, комбайнларни ва бошқа машиналарни кўпроқ ишлаб чиқарингиз! Асбоб-ускуналарни модернизация қилишни та'минлангиз!

36. Электротехника ва радиотехника саноатининг ишчилари, инженерлари ва техниклари! Ускуналар, аппарат ва асбобларнинг энг янги турларини ҳамда юқори сифатли бошқа буюмларни ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз!

37. Химия саноатининг ходимлари! Халқ хўжалиги ва аҳоли учун керакли минерал ўғитлар ва бошқа химия маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз ва уларнинг ассортиментини оширингиз!

38. Бинокор ишчилар, инженерлар ва техниклар! Янги саноат корхоналарини, совхозлар, машина-трактор станциялари, уй-жой биноларини, мактабларни, касалхоналарни, болалар муассасаларини ва маданий муассасаларни тезроқ қурингиз! Қурилиш ишларини кўпроқ индустрлаштирингиз, йиғма темир-бетон конструкцияларини кенгроқ жорий қилингиз! Қурилишнинг юқори сифатли бўлишига ва таннархининг камайтирилишига эришингиз!

39. Бинокорлик материаллари саноатининг ходимлари! Цемент, йиғма темир-бетон конструкциялари, янги бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз! Ватанимиздаги қурилишлар учун арзон ва юқори сифатли бинокорлик материалларини кўпроқ берайлик!

40. Урмон, ёғочсозлик ва қоғоз саноатининг ишчилари, инженерлари ва техниклари! Ёғоч тайёрлаш ва ташишни ҳамда қоғоз ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз! Меҳнат унумдорлигини оширингиз, ишлабчиқаришни ташкил этишни яхшилангиз, механизмлардан тўла фойдаланингиз! Мамлакатга яхши сифатли ёғоч материаллар, қоғоз ва мебельни кўпроқ берайлик!

41. Кенг исте'мол товарлари саноатининг ишчилари, инженерлари ва техниклари! Товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтирингиз ва уларнинг ассортиментини кўпайтирингиз, хомаш'ёдан тежаб фойдаланингиз! Яхши ва гўзал газламаларни ва чиройлик кийимларни, пишиқ ва нафис пойафзалларни ҳамда халқ исте'моли учун керакли бошқа товарларни кўпроқ тайёрлаб берайлик!

42. Озиқ-овқат товарлари, гўшт ва сут маҳсулотлари саноатининг ходимлари! Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни бутун чоралар блан кенгайтирингиз, уларнинг сифатини яхшилангиз ва таннархини камайтирингиз! Аҳоли учун қанд-шакар, ёғ, гўшт, сут ва бошқа хил маҳсулотларни кўпроқ берайлик!

43. Балиқ саноатининг ходимлари! Балиқ овлаш ва балиқни қайта ишлаш планининг бажарилишига эришингиз! Балиқ овлайдиган флотдан ва асбоблардан яхшироқ фойдаланингиз! Балиқчиликни ривожлантирингиз, маҳсулотнинг сифатини оширингиз ва таннархини камайтирингиз!

44. Колхозчилар, МТС ва совхоз ходимлари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари! Экин майдонларини кенгайтирингиз, деҳқончилик маданиятини оширингиз, мўл ҳосил етиштиришга эришингиз! Бундан кейин ҳам қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун курашингиз!

Ҳар йили камида 10 миллиард пуд дон етиштиришга эришайлик!

45. Колхозчилар, МТС ва совхоз ходимлари! Дон етиштиришни кескин суратда кўпайтиришнинг ва чорвачилик учун мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтиришнинг энг муҳим манбаи бўлган маккажўхори майдонларини бутун чоралар блан кенгайтирингиз ва унинг ҳосилдорлигини оширингиз!

46. Қишлоқ хўжалиги ходимлари! Социалистик қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг ҳамма тормоқларини кучли суратда юксалтириш учун курашингиз! Колхоз ва совхозлардаги экинзорлардан ва мавжуд резервлардан яхши фойдаланингиз! Мамлакатга дон, гўшт, сут, жун ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпроқ тайёрлаб берайлик!

47. Колхозчилар, МТС ва совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари! Техникадан тўла фойдаланиш учун, қишлоқ хўжалигининг барча тормоқларини комплекс механизациялаш учун сабот блан курашингиз!

48. Колхозчилар! Меҳнат унумдорлигини оширингиз ва меҳнат интизомини мустаҳкамлангиз! Фан ютуқлари ва илғор иш тажрибасини ўрганингиз ва ишлабчиқаришга кенг жорий қилингиз! Колхозларнинг жамоат хўжалигини янада мустаҳкамлаш ва бутун чоралар блан ривожлантиришни, колхозларнинг даромадларини оширишни ва колхозчиларнинг фаровонлигини юксалтиришни та'минлайлик!

49. Қишлоқ хўжалиги ходимлари! Чорва моллар маҳсулдорлигини кескин суратда оширишга ва уларнинг сонини кўпайтиришга эришингиз! Чорва молларнинг қишловини яхши ўтказишни та'минлайлик! Мамлакатга чорвачилик маҳсулотларини кўпроқ берайлик!

50. Колхозчилар, МТС ва совхоз ходимлари! Пахта, зиғир, қанд лавлаги ва бошқа техника экинларини, сабзавот ва картошкани етиштиришни кўпайтирингиз! Бу экинларнинг ҳосилини оширишга эришингиз!

51. Машина-трактор станцияларининг ходимлари! Барча қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ва чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш учун, колхозларнинг жамоат хўжалигини ривожлантириш учун, колхозларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топшириш юзасидан давлат олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажаришлари учун курашингиз! Тракторлар, комбайнлар ва бошқа машиналарнинг юқори сифатли ремонт қилинишини та'минлайлик!

52. Совхозларнинг ходимлари! Экинзорлардан яхши фойдаланингиз, далаларнинг ҳосилдорлигини ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини оширингиз! Совхозларнинг ўз ем-хашак базасини вужудга келтирингиз! Ишлабчиқаришни ташкил этишни ва техникадан фойдаланишни яхшилангиз, маҳсулотнинг таннархини камайтирингиз, ҳарбир совхознинг рентабель ишлашига эришингиз! Барча совхозларни кўп миқдорда товар маҳсулоти берадиган намунали хўжаликларга айлантирайлик!

53. Маҳаллий саноат ва ҳунармандчилик кооперациясининг ходимлари! Халқ исте'мол қиладиган товарларни, хўжалик асбобларини ва бинокорлик материалларини ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз! Буюмларнинг сифатини яхшилангиз ва таннархини камайтирингиз, маҳаллий хомаш'ёдан яхшироқ фойдаланингиз! Аҳолига маиший хизмат кўрсатадиган корхоналарни кўпайтирингиз ва уларнинг ишини яхшилангиз!

54. Давлат ва кооператив савдоси ходимлари! Шаҳар ва қишлоқда савдо-сотиқни бутун чоралар блан кучайтирингиз, меҳнаткашларнинг товарларга бўлган эҳтиёжларини тўла қондирингиз! Совет савдоси маданиятини оширингиз!

55. Темир йўл транспортининг ходимлари! Юкларни тўхтовсиз ташишни та'минлангиз! Пассажирларга хизмат кўрсатишни яхшилангиз! Кучли тепловозлар, электровозлардан сабот блан фойдаланингиз, транспортда механизациялаш ва автоматлаштириш даражасини оширингиз! Темир йўлларнинг қиш шароитида пухта ишлашига эришайлик!

56. Денгиз ва дар'ё флотининг ходимлари! Юк ташишни бутун чоралар блан оширингиз, пассажирларга хизмат кўрсатишни яхшилангиз! Флот ва портлардан фойдаланишнинг янги техникасини ва илғор методларини дадиллик блан жорий қилингиз! Флотни 1956 йил навигациясига намунали тайёрлашни та'минлайлик!

57. Автомобиль транспорти ва тош йўлларнинг ходимлари! Юк ташишни кўпайтирингиз, пассажирларга хизмат кўрсатишни яхшилангиз! Автомобильлардан унумли фойдаланиш ва ёнилғини тежаш учун курашингиз! Йўлларни намунали тартибда сақлангиз, янги йўллар қурилишини кенгайтирингиз!

58. Алоқа ходимлари! Алоқа воситаларини ҳормай-толмай ривожлантирингиз ва такомиллаштирингиз! Почта, телеграф, телефон, радио, телевидениенинг нуқсонсиз ишлашига эришингиз! Аҳолига яхшироқ хизмат қилингиз!

59. Совет муассасаларининг ходимлари! Давлат аппаратининг ишини такомиллаштирингиз, бюрократизмни ва сансалорликни тугатингиз! Меҳнаткашларнинг талаблари ва эҳтиёжларига сезгирлик блан э'тибор берингиз! Давлат интизомини мустаҳкамлаш ва социалистик қонунчиликка қаттиқ риоя қилиш учун курашингиз! Давлат аппаратини арзонлаштиришга ва унинг омма блан алоқаларини янада кучайтиришга эришайлик!

60. Илмий-текшириш муассасалари ва олий ўқув юртларининг ходимлари! Совет фанини янада тараққий этдирингиз, мамлакатимизнинг техника тараққиётида фаннинг ролини оширингиз! Илмий ишдаги камчиликлар юзасидан танқидни кучайтирингиз! Мутахассислар тайёрлаш ишини яхшилангиз!

61. Адабиёт ва сан'ат ходимлари! Адабиёт ва сан'атнинг юксак ғоявийлиги учун курашингиз, ўзингизнинг бадиий маҳоратингизни ҳормай-толмай такомиллаштирингиз! Улуғ халқимизга муносиб асарлар яратингиз!

62. Халқ маорифи ходимлари! Болаларни ўқитиш ва тарбиялаш сифатини оширингиз, мактабларни политехникалаштириш учун курашингиз! Болаларни Совет Ватанига муҳаббат ва садоқат руҳида, халқлар ўртасида дўстлик руҳида тарбиялангиз! Социалистик жамиятнинг ҳар жиҳатдан ўсган, маданиятли ва меҳнатсевар гражданларини, коммунизмнинг актив қурувчиларини етиштирингиз!

63. Медицина ходимлари! Халқ соғлиғини сақлаш ишларини яхшилангиз ва ривожлантирингиз, даволаш ва санитария муассасаларининг иш маданиятини оширингиз! Медицина фанининг муваффақиятларини практикага жорий қилингиз!

64. Совет касаба союзлари! Меҳнат унумдорлигини ошириш учун, халқ хўжалиги планларини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирингиз! Ишлабчиқариш новаторларининг тажрибаларини ёйингиз! Ишчилар ва хизматчиларнинг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини янада ошириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилингиз!

Яшасин коммунизм мактаби — Совет касаба союзлари!

65. Совет хотин-қизлари! Халқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида, совет халқининг бахт ва саодати учун болаларни тарбиялаб ўстиришдек олижаноб ишда янгидан-янги муваффақиятларга эришингиз!

Яшасин коммунизмнинг актив қурувчилари — совет хотин-қизлари!

66. Яшасин коммунизм қурувчи ёшларнинг илғор отряди, совет ёшларининг ташкилотчиси, Коммунистик партиянинг актив ёрдамчиси ва резерви — Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи!

67. Йигит ва қизлар, шонли совет ёшларимиз! Хўжалик ва маданий қурилишда, мамлакатнинг бутун ижтимоий-сиёсий ҳаётида актив қатнашингиз! Илғор фан ва техника муваффақиятларини қунт блан ўрганингиз, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлабчиқариши билимларини эгаллангиз! Мамлакатимизда коммунизм қуришдан иборат улуғ ишнинг ғалабаси учун курашда бардам ва дадил бўлингиз!

68. Пионерлар ва мактаб ўқувчилари! Билимларни сабот ва қунт блан эгаллангиз! Меҳнатсевар ва интизомли бўлингиз, ўқишда муваффақиятларга эришингиз!

69. Коммунистлар ва комсомоллар! Маркса-ленинча назарияни қунт блан эгаллангиз, социалистик саноат ва қишлоқ хўжалигимизни янада юксалтириш учун, халқ хўжалигида техникани тараққий этдириш учун, совет халқининг фаровонлигини тобора ошириш учун, СССРда коммунизм қуриш учун курашчиларнинг олдинги сафларида бўлингиз!

70. Яшасин мамлакатимиз халқлари дўстлиги ва шон-шуҳратининг мустаҳкам қал'аси, бутун дун'ёда тинчликнинг маҳкам таянчи — улуғ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

71. Яшасин коммунизм қурувчи улуғ совет халқи!

72. Яшасин коммунизм қуриш учун курашда совет халқининг улуғ илҳомлантиручи ва раҳбар кучи — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

73. Маркс—Энгельс—Ленин—Сталин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!

***Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети.***

